

### Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат

Авлиёлар бешигидур, бу кўхна Замин,  
Илму зиё эшигидур, бу кўхна Замин.  
Канча олим муттакийлар, не-не ахли дин,  
Аммо, барчасига пуру, устоз ул-хикмат  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

Минг икки юз йиллик “шажара” аждоди эрур,  
Ул зот Шайх Сухравардий зурёди эрур,  
Бут тарикат ўн бешинчи авлоди эрур,  
Шажара кирк еттинчиси бизлар-ла хаёт,  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

Гуруримиз, фахримиздур табаррук имомлар,  
Бу даргоҳдан ўтган канча кори-имомлар,  
Зиёвуддин Бобохондек Шайхул Исломллар,  
Алар илму макомати бизларга ибрат,  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

Абдулхамид , Шахобиддин кори устозлар,  
Хожи кори, Пўлат кори-илму мерослар,  
Фозилкори масалидан йигларди созлар,  
Улар шахди юкса деймиз, бизга хам шояд,  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

Рахматулло устозда хуш хислатлар жамдур,  
“Ар-Раҳман” дан тошюраклар хам гўё шамдур,  
Кироатда “Булбул кори”, “Савти ажамдур”,  
Кўкча ахли ўтиз йил-ки олмиш маърифат,  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

Эзгулиг-у, савоб ишлар колар дунёда,  
Гуломиддин домла умри бўлсин зиёда,  
Нуриллохон кори устоз хамон дуода ,  
Кексаларга хосдур канча иззату хурмат,  
Биз ёшларга эса курмок янги иморат.

Шукр килган элнинг мудом, хар куни байрам,  
Бахтли хаёт учун бизда, хар не мужассам,  
Жаннатмакон бу юрт учун, канча килсак кам,  
Яратгандан хидоят-у, биздан ибодат,  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

Юртимизга Хакнинг рахмат нури ёгилсин,  
Хамрохимиз Ихлос, Ёсин, Таборак бўлсин,  
Барчамизга кутлуг айём муборақ бўлсин,  
Ўтганларга сизу биздан бир сура оят,  
Шайх Зайниддин бобони айланг зиёрат.

### **Шу азиз ватанга керак бўлайлик**

Бургутга тоғ ошён керакдур,  
Булбулга боғлардан бўстон керакдур,  
Лек, аввал мусаффо осмон керакдур,  
Хар юмуш, корига яраб юрайлик,  
Шу азиз ватанга керак бўлайлик.

Лол колмас айтинг, ким минораларига,  
Кўкларга бўй чўзган чинорларига,  
Бокиб кўз кувонар ниҳолларига,  
Новдаларга суянч, тиргак бўлайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

Шукрона тушмаса мудом сўзлардан,  
Тоъле юз ўгирмас асло бизлардан,  
Хак ўзи асрагай ёмон кўзлардан,  
Хар лахза огоху, зийрак бўлайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

Орифлар вориси ориф бўлгайдур,  
Голиблар вориси голиб бўлгайдир,  
Зурёдлари илму толиб бўлгайдур,  
Аждодлардек мард, довюрақ бўлайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

Бу Заминда канча азиз-авлиё,  
Асрлар қаъридан таратмиш зиё,  
Ал-Бухорий бобо, Термизий бобо  
Хикмат маъданидан фикрат олайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

Нурли манзил сари довлонлар ошиб,  
Шахд ила яшайлик, денгиздай тошиб,  
Юрт равнакига ўз хиссамиз кўшиб,  
Хар ишда забардаст биларк бўлайлик.  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

Зарра гард, губор йўк ўзбек кўнглида,  
“Хуш келибсиз” дея нон, туз кўлида,

Эзгулик йўлида, тинчлик йўлида,  
Бутун ер юзига ўрناق бўлайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

“Бунёдкор халким бор” деган учун,  
Хар ишда Ўзи Бош бўлгани учун,  
Рахнамо Султонни бергани учун,  
Яратганга баҳад шукр килайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

Иймон гавхарини дилларга жойлаб,  
Оила кўргонин мустаҳкам айлаб,  
Йигирма бир йиллик Тўйга бел бойлаб,  
Юрт шону-шавкатин кўйлаб юрайлик,  
Шу азиз Ватанга керак бўлайлик.

### **Шукрона**

Чархпалакдай Ойлар, Йиллар ўтмоқдадур,  
Замин узра тиник тонглар отмоқдадур,  
Яна “Жоърий” манзилига ботмоқдадур.  
Бу кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Бизлар учун Худойимнинг хар неъматини,  
Ўгилмоқда барака-ю, нур, раҳмати.  
Сабр килиб, ўтдикпасту-баландлардан  
Синовларнинг бордур ахир, бир хикмати.  
Бу кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Юрт яшнаса, кўнгиллар ҳам яйрайди-да,  
Богларида булбуллар шўх сайрайди-да,  
Осойишта юртда базму-байрам бўлиб,  
Тўйларида куй-наволар янграйди-да.  
Бу кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Каранг ахир, ўзга давлат, маконларга,  
Киргин, уруш хавф солмоқда инсонларга,  
Ким тўфондан, ким ёнгиндан азоб чекиб  
Канча одам гарк бўлмоқда уммонларга.  
Хур кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Озод, эркин бу кунларни кутган канча,

Кўзи очик, кўксин ўкка тутган канча,  
Ким эшитди улар нол-фарёдини  
Жанозасиз,ок кафансиз кетган канча.  
Хур кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Бугун канча кадамжолар обод бўлди,  
Канча масжид, мадрасалар бунёд бўлди,  
Томирида Темур кони жўшган Инсон  
Эл бахтига Ўзи меъмор бир Зот келди.  
Бу кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Миллатнинг бўй басти бор хар иморатда,  
Илм фану, хам ижодда, табобатда,  
Дунёни лол айламоқда дилбандлари  
Голиб бўлиб спортда-ю, хам санъатда,  
Бу кунларга, факат шукр килмок керак,  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак

Маърифатли элнингмфикри тиник бўлгай,  
Зафарлардан мудом юзи ёруг бўлгай,  
Барчамиз бир тану бир жон, дуо килсак  
Йиллар оша кўш айёмлар кутлуг бўлгай.  
Тафаккур-ла, тинчлик кадрин билмок керак  
Бу кунларга, факат шукр килмок керак.

### **Яна нима керак бизга**

Парвонадур замин бизга,фалак бизга,  
Ватан деган шундай гузал малак бизга.  
Яхши яшаб,нега шукур демаймиз гох,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга.

Кўринг, канча юртлар одамини,  
Ташлолмайди хотиржам бир кадамини.  
Кадрин билинг, Хакнинг шундай карамини,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга?

Канча юртлар сув остида колмоқдадур,  
Кайларгадир террор гавго солмоқдадур  
Оллох бизни панохига олмоқдадур,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга?

Ўзга юртда кўпдир дарддан толган беллар,  
Гиёхвандлик балосидан кўйган эллар.

Огунингмас, охуники бизнинг ерлар,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга?

Тунлар ётиб, тонглар яна туриб омон,  
Етиб келдик шукр, ёруг кунлар томон,  
Яхши яшаш учун бор-ку барча имкон,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга?

Хар ён обод, оилар мустахкамдир,  
Айтинг, ўзбек фарзандлари кимдан камдир,  
Ношукурнинг кўрган хар бир куни гамдир,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга?

Халким бу кун Истиклолнинг тузин татир,  
Тузлигидан мардлар килар юзи хотир.  
Эртаמידан умидлар бор, йўк хавотир,  
Бундай ортик, яна нима керак бизга?

**Шайхонтохур туман бош имом-хатиби**  
**Одилхон кори Исмоилов**